



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 1 август, № 156 (9051)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИАТЛАРИДАН ЯНАДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 июль куни қишлоқ хўжалигида космик маълумотлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишининг мантиқий давоми. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш масаласи кўриб чиқилар экан, давлатимиз раҳбари ердан унумли фойдаланиш, самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатган эди.

Бунинг учун аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлил жуда зарур. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбеккосмос» агентлиги шундай имконият бермоқда. 2024 йил 14 октябрдаги Президент Фармонида мувофиқ иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологиялар жорий этилмоқда.

Жумладан, бу қишлоқ ва сув хўжалигидаги ҳақиқий ҳолатни, камчиликларни очик-ойдин кўрсатиб беради. Икки йил мобайнида соҳада фойдаланилаётган 4 миллион гектардан зиёд ерлар космик мониторинг қилинди. Аниқланишича, ҳисоботларда кўрсатилган айрим майдонларда пахта экилмаган, баъзан эса захирадаги ёки эгаси номаълум ерларга экилган.

Шу боис давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсади ишлаш шартини масофавий мониторинг қиладиган тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Иқлим ўзгариши ва сув тақчиллигидан келиб чиқиб, юртимизда кам сув талаб қиладиган янги навлар ва агротехнологияга ўтилмоқда. Лекин экинларни суғоришда сув сарфи меъёри ҳозирги ҳақиқатдаги талабга жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилди. Гидромулдон районлаштириш ёндашуви ҳам эскирган. Оқибатда каналлар охирида жойлашган 3 мингдан зиёд фермерларга сув етиб бормапти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги илмий институтларни жалб қилган ҳолда суғориш меъёри ва гидромулдон районлаштириши тўлиқ янгилаш вазифаси қўйилди.

Фермерлар сарфлаётган сувнинг ҳалигача аниқ ҳисоби йўқлиги қайд этилиб, бунинг барча босқичларини рақамлаштириш, сувнинг контурма-контур ҳисобини юритиш зарурлиги таъкидланди.

Сув омборлари сигими ҳам лойиҳавий

қуввати бўйича ҳисобланиб келинар эди. Сўнгги икки йилда 60 та йирик сув омбори илк бор батиметрик таҳлилдан ўтказилди. Лойқа чўккани сабабли айримларнинг сигими камайгани аниқланди.

Шу боис барча сув омборларига «ақли» ҳисоблагичлар ўрнатиб, сув миқдорини онлайн кузатиш, улардаги лойқани камайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

— Ер билан сув қишлоқ хўжалигини тақдирини ҳал қилувчи масала, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳани рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозир фермерлар ер, кредит, субсидия ва агрохизматлар бўйича 30 дан ортиқ платформалардан фойдаланяпти. Буни осонлаштириш учун улар бирлаштирилиб, «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси ишга туширилади.

Энди даласига нима экишни фермернинг ўзи ҳал қилади. Буни платформага ҳам унинг ўзи киритади. Натижада асосий, такрорий ва тўқсонбости экинлар миқдори олдиндан кўринадди. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини, нарх-наво барқарорлигини ва деҳқонларнинг даромадида жуда муҳим.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров бошчилигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссия тузилиши белгиланди. Етишмаётган маҳсулотни кўпайтириш учун имтиёзли кредит ва субсидия берилди.

Соҳада учувчисиз аппаратлардан фойдаланиш ҳам режалаштирилмоқда. Кузда 100 дан зиёд замонавий дронлар олиб келинади. Мутасаддиларга хусусий секторни жалб этиб, фермерларга дронлар ёрдамида хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Сомоньярларни ёқишга чек қўйишнинг қонуний асосларини яратиш зарурлиги айтилди.

Космик тадқиқотларда қурилиш, кадастр, нурда конлари, ўрмон ва яйлов ерлари бўйича ҳам таҳлиллар борлиги таъкидланиб, вазирлар ва ҳокимлар уларни ўрганиб, режалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ — ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Ҳар қандай жамият тараққиёт сари интилар экан, ислохотлар заруратга айланади. Ислохотлар — бу эскирган тизимларни янгилаш, жамиятнинг эҳтиёжларига мослаштириш ва келажакка йўл очиш демак. Бироқ олиб борилаётган ишларнинг муваффақияти кўпгина уларнинг қанчалик тўғри ва самарали режалаштирилганига эмас, балки жамиятнинг бу жараёндаги иштирокига боғлиқ.

Муносабат

Ислохотлар жамиятнинг иштироки билан амалга оширилгандагина легитим ҳисобланади. Жамият ўз фикрини билдириш, тақлифлар киритиш ва қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этса, ушбу ислохотларни ўз манфаатларига мос деб би-

лади ва уларни қўллаб-қувватлайди. Аксинча, жамиятдан ажралган ҳолда юқоридан туриб амалга оширилган саъй-ҳаракатлар қаршиликка ва муваффақиятсизликка учраши мумкин.

Жамиятнинг иштироки ислохотлар жараёнининг шарт-шароитини таъминлайди. Жамоатчилик муҳокамалари,

экспертлар билан маслаҳатлашувлар ва оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш жараёнининг барча босқичини очик қилади. Бу эса, ўз навбатида, қарор қабул қилувчиларни ҳисобдорликка ундайди ва коррупция хавфини камайтиради.

Аслида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам очиклик ва натижадорликка эришиш, ҳар бир соҳада юз бераётган ўзгаришларда халқнинг бевосита иштирокини таъминлашдан иборат.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига

ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА...



Инсон дунёга келганидан ҳаётининг охиригача бўлган даврларнинг ҳар бири ўзига хослиги, рангбаранглиги ҳамда унга берадиган сабоқлари, кўнглига соладиган туйғу ва орзулари билан катта аҳамиятга молик. Аммо умр фасллари ичида шундай бир мавсум борки, у ўзининг кўркамлиги, шиддат ва шижоатга бойлиги билан ажралиб туради. Бу — мухташам ва муаззам ёшлик! Бугунги таҳликали, фитналар урчиётган, турли

оқимлар авж олган замонда ёшлар масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб бораётгани бежиз эмас. Зеро, ёшлар — миллат келажаги, халқ ва эл-юртнинг суянган тоғи.

Мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари чин маънодаги ёшликни ҳис қилиши, ўзлари истаганча билим олиши, ўқиб-ўрганиши, эмин-эркин яшаши ва истеъдодларини юзага чиқариши, бир сўз билан айтганда, бахтиёр ҳаёт кечирishi учун барча шароит муҳайё.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу «Энг гуллаган ёшлик чоғимда...» саҳифасида ҳам айнан ёшликнинг беқиёс куч-қудрати, унутилмас хотиралари, ҳаяжону меҳр-муҳаббатга бой лаҳзалари ҳамда юртимизда навқирон авлод вакиллари яратилаётган имкониятлар борасида сўз боради.

[6-саҳифага қаранг.](#)

ГЛОБАЛ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БОРАСИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Женева шаҳрида бўлиб ўтказилган парламентлар раҳбарларининг 6-Бутунжаҳон конференциясида иштирок этди.

Халқаро анжуман

Анжуман доирасида замонавий глобал таҳдидлар, ижтимоий беқарорлик, қуролли можаролар ва иқлим ўзгаришлари шароитида парламентлараро дипломатиянинг роли, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, тинчликни таъминлаш, адолатли бошқарув тамойилларини илгари суриш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда миллий парламентларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Конференцияда маъруза қилган Сенат Раиси Танзила Норбоева давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган демократик ислохотлар, парламент дипломатиясини ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбир меҳмонлари ва ташкилотчилар томонидан жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар 150-юбилей ассамблеясининг натижалари юксак баҳоланди.

Жумладан, ассамблея якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси ҳамда мо-

жароларни тинч йўл билан ҳал этиш ва барқарор тараққиётга ҳисса қўиш масалаларига бағишланган икки муҳим резолюция глобал парламентлараро бирдамликнинг амалий ифодаси сифатида эътироф қилинди.

Конференция давомида делегациямиз томонидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, можароларни сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этишда парламентлар ролини кучайтириш, халқаро ҳуқуқ нормалари ва БМТ Уставига асосланган тинчлик ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Ёшлар парламенти аъзоларини қўллаб-қувватлаш доирасида эса 2026 йилда Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Ёшлар парламенти аъзоларининг 12-глобал конференциясини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Шунингдек, 2025 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро конференцияни ўтказиш режалаштирилаётгани, унга хоржий парламентлар, нодавлат ташкилотлар вакиллари ва экспертларни кенг жалб этиш кўзда тутилаётгани айтилди.

«Халқ сўзи».

Депутатлар — ҳудудларда

ЎРГАНИШЛАР АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ БЎЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ўрганиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан қатор учрашувлар ўтказмоқда. Очик ва самимий мулоқотлар давомида халқ вакиллари аҳоли орасига чуқур кириб бориб, ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини назорат-таҳлил тартибида ўрганмоқда ва жойлардаги мавжуд муаммоларнинг ечимига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ишончга асосланган мулоқот

Қонунчилик палатаси депутати Гулнора Абдувоҳидованинг Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги ўрганишлари ҳам депутатлик институти ва сайловчилар ўртасидаги муносабатлар мустақамлашиш бораётганини яққол кўрсатди. Депутат дастлаб Қўрғонтепа туманидаги «Муруват» ноғиронлиги бўлган болалар интернатуида бўлди.

Бу ерда 229 нафар тарбияланувчининг турмуши билан яқиндан танишиб, улар учун яратилган шароитларни, тиббий хизмат сифатини, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини ҳамда ходимларнинг ўз вазифасига масъулиятини ўрганди.

Депутатнинг қайд этишича, бу ерда 312 нафар ходим ўз ишига масъулият билан ёндашмоқда. Ҳар

бир тарбияланувчига алоҳида эътибор кўрсатилиши муҳимлиги инобатга олинса, бу инсонларга фақат ташаккур айтиш керак. Муассасадаги тозалик ва ободонлаштириш ишлари ҳам кўнгилдагидек.

Шундан сўнг сайловчилар билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда қонунчиликка қиритилаётган ўзгаришлар, инсон қадрини улғулаш, ҳар бир фуқарога тенг имкониятлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат давомида давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллигини муносабат билан юрт равнақи-га ҳисса қўиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланди.

Жамоатчилик вакиллари яратилаётган шарт-шароитларни ижобий баҳолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан мамнун эканликларини билдирди.

ШАМОЛНИ ИЗМИГА БЎЙСУНДИРАЁТГАНЛАР

ёхуд 20 МВт қувватга тенг Чорвоқ шамол электр станцияси лойиҳаси ҳақида

Тараққиёт манзиллари



Ҳозирги шиддатли замон иқтисодий тараққиёт йўлида барқарор энергетика тизимини шакллантиришни, йирик ҳажмдаги энергия сарфини кўзда тулади. Бу борада, дунё бўйлаб қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли ва самарали фойдаланиш тенденцияси ҳамон долзарб.



Мамлакатимизда ҳам энергетика тармоғининг ажралмас қисми ҳисобланган «яшил» энергетика, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари ҳажмини оширишга кенг эътибор қаратил-

моқда. Масалан, гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш борабаридан куёш ва шамол энергетикасини равнақ топтиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда.

Сенат қўмитасида



ДАЛА ЧЕТЛАРИГА ЭКИН ЭКМАГАНЛИК УЧУН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида "Дала четларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, ташқи бозорларга талаб юқори бўлган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш орқали экспорт қўлимани кенгайтириш, айниқса, ерлардан унумли фойдаланиш имкониятини ошириш зарурати юзага келмоқда.

Шу боис мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйиш орқали аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Муҳокамага қўйилган маъмурий қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларга қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофида-

ги қонунчиликка мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш белгиланган майдонларда ва муддатларда мақбул экин экмаганлик учун маъмурий жавобгарлиги белгиланган ҳамда ер участкасининг мақбул экин экмаган қисми учун ер солигини оширилган майдонда ҳисоблашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, маъмурий қонуннинг қабул қилиниши аҳолини асосий турда озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни самарали ташкил этиш ҳамда кўпайтириш орқали мамлакатнинг экспорт қўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади.

Мажлис иштирокчилари маъмурий қонунни экспертиза ва мутахассислар иштирокида яна бир бор таҳлил қилиш, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг таъкиди, мулоҳазаларини олиш ва умумлаштиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

Йиғилиш

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯ ОСТИДА

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб 1992 йили "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни ратификация қилган. Миллий қонунчилигимизни конвенция қоидаларига имплементация этиш асосида 2008 йил 7 январда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Вояга етмаганларнинг манфаатларини янада кучлироқ ҳимоя қилиш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида"ги қарорида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш бўйича Сенат ҳузуринда ишчи гуруҳ тузиш белгиланган эди.

Шу мақсадда юқори палатанинڭ Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан мутасадди вазирлик, идоралар вакиллари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилинди.

Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси интернетда, ижтимоий тармоқлар ва бошқа турли плат-

формаларда вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Йиғилишда интернетда вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш, суний интеллект ёрдамида вояга етмаган шахсларнинг суратларини сохталаштириш орқали уларни таҳрирлаш каби ҳолатларни аниқлаш ва ҳуқуқий баҳо бериш, кибермақолада болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни йўлга қўйиш юзасидан илгор хорижий таҳриранинڭ ўрганиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Яқунда ишчи гуруҳ аъзоларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари эшитилиб, уларнинг асосий вазифалари белгиланди.

«Халқ сўзи».

Маҳаллий Кенгашларда

ДЕПУТАТЛАР ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

27 — 29 июль кунлари халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамда котибият мудириларидан иборат ишчи гуруҳ Андижон вилоятида бўлди.

Дастлаб Андижон шаҳар ҳокимлигида ҳамда халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашида котибият фаолияти, иш юритиш тартиби, маҳаллий вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорлик механизми таҳлил қилинди.

Икки ҳудуд депутатлари ўзаро фикр алмашиб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш ва илгор тажрибани амалиётга жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари Андижон шаҳридаги бир қатор маҳаллалар, таълим

муассасалари, соғлиқни сақлаш, таъбиқорлик ва ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини ўрганди.

Улар Халқ банки АТБ томонидан Олтинқул туманида "Чарм-пойабзал" кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳа, "Грезн Ворлд Ландшафт" МЧЖ томонидан Қўштепа маҳалласида 15,9 гектар майдонда амалга оширилаётган қўнатиқлик ва манзарали дарахт қўнатиқлари етиштириш лойиҳаси, шунингдек, "Алоқабанк" АТБ томонидан режалаштирилган "Мебелсозлик комплекси" лойиҳаси билан ҳам танишди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ДАВРДА САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛАЁТГАН ЗАМИН

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ҳудудларини иқтисослаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ва туризм салоҳиятини амалий ривожлантириш бўйича қатъий қадамлар қўйилаётгани боис Жиззах вилояти ана шу стратегиянинг марказий нуқталаридан бирига айланмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида вилоятнинг аграр, саноат ва туризм салоҳиятини юксалтириш бўйича қилинаётган ишлар билан яқиндан танишган ва бу борадаги имкониятлар тўғрисида сўз юритган эди.



Акс садо

Вилоят картошқачилик, дуккакли экинлар, сув ҳўжалиги ва туризм йўналишида янги босқичга кирмоқда. Бу нафақат маҳаллий аҳоли фаровонлиги, балки миллий иқтисодиётнинг диверсификацияси учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Зомин туманидаги илмий-тажриба станцияси асосида ҳозирги кунда 12 та маҳаллий ва хорижий селекцияга мансуб картошқа навлари билан бирламчи уруғчилик ишлари бошлаб юборилди. Оддий ҳолатда картошқа уруғчилиги 6-7 йил ва 8 та технологик босқични талаб қилади. Лекин янги инновацион ёндашув асосида бу жараён 4 босқичга қисқартирилиб, бор-йўғи 2 йилда натижа олиш имкони яратилмоқда.

Истиқболдаги режаларга кўра, ушбу тезкор цикл туфайли 12 тонна юқори авлод супер-элит даражасидаги уруғчи картошқа маҳаллий аҳолига бепул тарқатилади. Натижада 120 тонна элита уруғчи етиштириш имкони яратилади. Бу эса вилоятда картошқа етиштиришни индустриал асосга ўтказиш, ички талабни тўлиқ қондириш, қолаверса, экспорт-боп маҳсулот ҳажминини оширишга хизмат қилади.

Эндиликда бу йўналиш янада ривожлантирилиб, халқимиз дастурхонини ушбу маҳсулот билан тўлдиришга Жиззах вилояти ҳам астойдил киришди, десак, муболага бўлмайд.

Ўзбекистонда картошқа етиштириш мамлакат қишлоқ ҳўжалигининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, ички бозорни асосий озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг баъзи ҳудудлари ўзларининг айрим ҳусусиятларига кўра картошқачилик билан мунтазам шуғулланади. Мисол учун, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари — иқлими мўътадил, суғориш имкониятлари яхши бўлганлиги учун, Тошкент вилояти бозорларига яқинлиги ва етказиб бериш осонлиги туфайли, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари эса йилнинг иккинчи ярмида такрорий экин сифатида экиладиган картошқа турлари билан машғур.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда фақат уруғчилик эмас, балки сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Зарбдор туманида каналларда насос станциялари ва магистраль қувурлар қуриш лойиҳалари режалаштирилган. Бу ишлар сув тежамкор технологияларни татбиқ этиш, янги экин ерларини ўзлаштириш ва сувдан унумли фойдаланиш имшини яратди.

Бундан ташқари, дуккакли экинлар — соя, мош, нўхат ва бошқаларни экиш масаласи ҳам стратегик йўналиш сифатида белгиланган. Ушбу экинлар кам сув талаб қилгани боис ҳосилдорлик ва экспортбонлик нуқ-

таи назаридан ҳам устунлик берди.

Жиззах вилояти нафақат аграр, балки туризм салоҳияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Вилоятдаги табиий ландшафт тоғ, водий, чўл ва кўллار уйғунлиги йилнинг барча фаслида туризмни ривожлантириш учун ажойиб шароит яратди.

"Зомин" туристик-рекреацион зонаси, яқинда фаолият бошлаган Зомин аэропорти ва янги йўллар ҳудудга сайёҳлар оқимини кенгайтиришга хизмат қиладиган асосий инфратузилма элементларидир. Вилоятда 6 та йирик канал бўйлаб ташкил этилган сайёҳлар маҳаллий ва хорижий туристлар учун дам олиш, экологик туризм, велотур ва оилавий саёҳатлар имкони яратди.

Айни пайтда "Айдар-Арнасой" кўллари тизими қирғоқларида замонавий туризм маркази ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бу йўналишда экспортим, балиқчилик, сув спортлари ва маданий-оммавий тадбирлар каби фаолият турлари ривожлантирилади.

Умуман, Жиззахда амалга оширилаётган ислохотлар вилоятни комплекс ривожлантириш, уни аграр, саноат ва туристик марказга айлантириш сари янада яқинлаштиради. Инновацион уруғчилик тизими орқали картошқачиликни ривожлантириш, сув инфратузилмасини модернизация қилиш ва туризм инфратузилмасини яратиш каби сайёҳаракатлар Жиззахни яқин йилларда мамлакатдаги энг фаол иқтисодий ҳудудлардан бирига айлантириши мўқаррар.

Бу жараён иқтисодий ўсишни юзага чиқариш бораборида аҳоли бандлигини, халқимиз фаровонлигини оширади.

Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

ЎРГАНИШЛАР АҲОЛИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Фермерларга қонунчиликдаги янгиликлар тушунтирилди

Қонунчилик палатаси депутати Жавлон Абдуллаевнинг Фарғона вилоятидаги навбатдаги ўрганишлари фермер ҳўжаликлари даладаридан бошланди.

Дастлаб Тошлоқ туманининг Хонариқ маҳалласидаги "Мўйдинбой" фермер ҳўжалигига ўрганиш ишлари олиб борилди.

Маъмурий ҳўжалик 106 гектар ер майдонига эга бўлиб, шундан 46 гектарига пахта, 46 гектарига буғдой экилган. Шунингдек, 3 гектар майдон тўқчилик учун ажратилган бўлиб, у ерда пилла қурти етиштирилмоқда. Ер участкалари атрофида 4 гектар яшил ҳудуд ташкил қилинган. Қолган 7 гектар ер эса ёшларни банд этиш мақсадида давлат дастури доирасида ажратилган.

Фермерлар иштирокида ўтказилган учрашувда дала четларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича жорий қилинаётган янги тартибнинг мазмун-моҳияти кенг ташриҳ қилинди.

Шу билан бирга, учрашув давомида ишчи ва ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишилди. Дала шайнонида овқатланиш ва дам олиш учун кулайликлар яратилган. Шунингдек, суғориш тизими самардорлигини таъминлаш мақсадида захира сув ҳавзалари ташкил этилган бўлиб, уларда балиқчилик йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, фермерлар депутат билан суҳбат чоғида қонунчиликдаги кўплай янгиликлардан хабардор бўлишганини, бу эса уларнинг янада самарали фаолият юритишида дастуриламал бўлишини қайд этишди.

Вардонзе туризм йўналишига киритилиши керак

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда минг йиллик тарихимиздан сўзловчи тарихий ёдгорликларнинг ўрни беқиёс. Туризмга бўлган эътиборнинг кучайтирилиши натижасида Бухоро

вилоятига ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Зеро, Ўзбекистон маданий-маънавий мероси бойлиги, қадимий ва бетакрорлиги билан жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторига кирди.

Вардонзе — Шофиркон туманидаги тарихий обиди саналди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Махсуд Муҳаммедов ўрганишлари давомида ушбу объектга бўлди. Соҳа мутахассислари билан Вардонзе туризм йўналишига киритиш, ёдгорликка яқин ҳудудда туризм объектларини ташкил этиш, шунингдек, ёдгорликнинг мастер-режасини ишлаб чиқиш бўйича қатор масалалар муҳокама марказида бўлди.

Бу борада тегишли амалий ишларни бошлаш бўйича келишиб олинди.

Мурожаатлар — доимий эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тохир Полвонов ўз сайлов округида аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказмоқда.

Халқ вакилининг навбатдаги учрашуви Тупроққалъа тумани сайловчилари билан бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот давомида депутат мамлакатимиз қонунчилигидаги муҳим янгиликлар, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрафлича сўз юритди.

Шунингдек, учрашувда фуқаролар томонидан билдирилган тақлиф ва мурожаатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Депутат кўтарилган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг аксариятини шу жойининг ўзиде, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш чораларини кўрди. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар эса депутатлик назоратида олинди.

Бу каби учрашувлар халқ вакиллари билан сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлаш, ҳудудлардаги реал ҳолатни жойида ўрганиш ҳамда аҳолини қўйиётган муаммоларга ўз вақтида ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА ИЛГОР СТАНДАРТЛАР

жорий этиш орқали қонунчилик мустаҳкамланади

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар халқимиз фаровонлигини юксалтириш, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу соҳа салоҳияти юқори бўлиб, охириги йилларда аграр тизимдаги ислохотлар халқаро миқёсда ҳам эътиборини топмоқда. Албатта, ушбу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг бу борадаги ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган ишлари муҳим аҳамият касб этмаптир.

Сарҳисоб

Бинобарин, 30 июль кунли Президентимиз раислигида мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокама бўйича ўтказилган видео-семинар йиғилишида Сув кодексининг қабул қилингани сув таъминлиги шариоатида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳуқуқий йўл очаётгани, бу ишларни давом эттириб, қишлоқ ҳўжалигини даромаддан ошириш, экспортни рағбатлантириш, илгор стандартларни жорий этиш бўйича ҳам қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида мувофиқ экани таъкидланди. Айни вақтда қўмитамиз ушбу йўналишда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олмақда.

Қайд этиш керакки, ўтган ярим йилликдаги фаолиятимиз самарали бўлди. Аграр ва сув ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини таррақий эттириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, соҳадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга устувор аҳамият қаратилди. Фаолиятимизда Президентимизнинг 2024 йил 18 — 20 ноябрь кунлари Олий Мажлис палаталаридаги нутқлари муҳим асос бўлмоқда.

Қўмитамиз қонун ижодкорлиги йўналишида 10 та қонун лойиҳаси ва Қонунчилик палатасининг битта қарори лойиҳаси учун масъул бўлди. Хусусан, сув, сув объектлари, сув ҳўжалиги объектлари ва сув фонди ерларидан фойдаланиш, чорва мулкларини идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, қишлоқ ҳўжа-



лиги таваккалчиликларини суғурталаш, суғурталаниши лозим бўлган таваккалчиликлар ва суғурта шартномасини тузишга қаратилган 3 та яхлит ҳужжат устида иш олиб борилди.

Аёнки, бугунги кунда қонун лойиҳаларини маромига етказишда ва уларнинг ҳар жиҳатидан таъминлаш бўлишини таъминлашда қўмиталар ҳузурдаги экспертлар, жамоатчилик кенгаши ҳамда ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари мунтазам ташкил қилинаётганлиги долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу каби муҳокамалар натижасида қўмитамиз масъулиятида қонун лойиҳаларининг 5 таси концептуал жиҳатдан такомиллаштирилди ва қонун лойиҳалари қарийб 15 — 20 фоизгача ўзгартирилди.

Қўмита томонидан қонунлар ва қонунности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ҳамда уларнинг ақунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда 8 та тадбир ўтказилди. Жумладан, Сув ҳўжалиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Қишлоқ ҳўжалиги вазириликлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши, Марказий банк раҳбариятини қўллаб-қувватлаш асосида ахборотлари мўлжалга мажбуриятда эшитилди.

Назорат-таҳлил тадбирларида ҳудудларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, интенсив усулда бог ва тоқзорлар барпо қилиш, иссиқхона ҳўжаликлари ривожлантириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш

сурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларга ўтиш, каналлар ва суғориш тармоқларини бетонлаштириш ишларининг бориши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Унда депутатларнинг саволларига сув ҳўжалиги вазири жавоб берди.

Шунингдек, қўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 13 та депутат сўрови юборилди. Унда асосий эътибор деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сув иншоотларидан фойдаланиш, аҳоли томодалари билан сув билан таъминлаш, маҳсулот етиштиришда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига қаратилди.

« Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жами 192 та мурожаат белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, улардан 43 тасига ижобий ечим топилиб, қолганлари юзасидан тегишли тартибда иш олиб борилмақда. »

Сайловчилар билан мулоқот ҳам фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан. Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жами 192 та мурожаат белгиланган тартибда қўриб чиқилиб, улардан 43 тасига ижобий ечим топилиб, қолганлари юзасидан тегишли тартибда иш олиб борилмақда.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг қабуллари мунтазам ўтказилмоқда. Ўтган даврда қўмита аъзоларининг тури масалалар юзасидан 22 нафар жисмоний ва юридик шахс вакиллари билан мулоқот қилинди. Улар томонидан 36 та масала кўтарилган бўлиб, шундан 12 таси депутатлар сайёҳаракатлари натижасида ўз ечимини топган бўлса, 24 таси қўриб чиқиш учун тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилди.

Кейинги пайтда фуқаролар то-

монидан йўлланаётган мурожаатларда қонун ҳужжатлари нормаларига такомиллаштиришга доир тақлифлар салмоғи ортиб бормоқда. Улар, ўз навбатида, қўмита томонидан мунтазам ўрганиб чиқилапти. Ўтган вақт мобайнида тақлифлар асосли деб топилган 8 нафар фуқаро қўмита томонидан эътироф этилди. Шунингдек, тақлифлар ва муносабатлар билдирган фуқаролар иштирокида учрашув ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

Аҳамиятли жиҳати, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича билдирилган бир қатор тақлифлар лойиҳаларда ўз аксини топмоқда. Мисол учун, Сув кодекси лойиҳасини такомиллаштиришда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ўлчами, соҳиббўйи минтақалари ўлчами, ичимлик ва ҳўжалик-маиший сув таъминоти иншоотларининг санитария муҳофазаси зоналари ўлчамлари тегишли моддаларда тарқоқ ҳолда келтирилган эди. Ушбу ўлчамлар кодекسد тарқоқ ҳолда берилиши ҳуқуқни қўллашда қийинчиликларни келтириб чиқаришини ҳисобга олиб алоҳида моддада, яъни Сув кодексининг 126-моддасида "Сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳиббўйи минтақалари, ичимлик ва ҳўжалик-маиший сув таъминоти иншоотларининг санитария муҳофазаси зоналари" жадвал асосида кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда илмий-тадқиқот муассасалари ва таҳлил марказлари билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланганини алоҳида қайд этиш ўринли. Хусусан, қўмита томонидан ўнта илмий-тадқиқот муассасаси, шу йўналишдаги таҳлил марказлари ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар ҳамда уни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик режалари имзолангани бунга яққол далилдир.

Умуман, ҳисобот даврида қўмита фаолиятини самарали ташкил этиш, қонун лойиҳаларининг кенг жамоатчилик иштирокидаги муҳокамага ва амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Равшан МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик пал

ТАРИХИЙ ТАШРИФ ЧОҒИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИ РИВОЖИДА ЯНГИ УФҚЛАР ОЧМОҚДА

Кейинги пайтда Ўзбекистон ҳамда Мўғулистон ўртасидаги сиёсий мулоқот фаоллашиб, мамлакатларимизнинг ўзаро алоқалари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Табиийки, бунда икки давлат раҳбарларининг охириги тўрт йил давомида мунтазамлик тус олган учрашувлари доирасида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этяпти.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳам, Мўғулистон ҳам кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришга бирдек интиломда. Таҳлилчилар таъбири билан айтганда, ҳақи равишда “Беинчи Осиё йўлбарси” номини олган, Марказий Осиё минтақасида етакчи мавқега эга Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадаллашуви,

айниқса, Мўғулистон учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Бу ҳақда сўз юритилганда, 2019 — 2024 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 10,5 баравар ортиб, 1,9 млн. АҚШ долларидан 20,4 млн. долларга етганини, бунда Ўзбекистон экспорти 1,5 млн. доллардан 15,1 млн. долларга, импорт эса 519 минг доллардан 5,3 млн. долларга кўпайганини мисол сифатида келтириш kifоя, назаримизда. Натижада ўтган йилнинг ўзида икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 46,8 фоиз, экспорт ва импорт эса 47 фоиз ўсди.

Қарор ва ижро

ўйда эдик-да. Лекин “Баяд” зоти ҳам иссиққа, ҳам совуққа бирдек чидамли эканлиги билан чорвадорлар ишончини оқляпти. Улар Навоий вилоятига жуда тез мослашиб кетди. Масалан, биз сотиб олган қўйларнинг 119 боши совлиқ эди, улардан 100 фоиз кўзи олдик. Бу қўйлар ер танламас экан. Қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамасида ҳам касалланмади, шукрки, чиқим ҳам бўлгани йўқ. Шунинг учун энди “Баяд” зотини ҳам кўпайтиришга қарор қилдик.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтидан маълум қилишларича, Мўғулистондан олиб келинган қўйларни маҳаллий жайдари зот билан частиштириш орқали янги зот яратиш ишлари аллақачон бошлаб юборилди. Бунда қўйларнинг жун майинлигини сақлаб қолиш, гўшт чикимини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

“Баяд” зотининг жуссаси кичик кўринса-да, гўшти тош босади ва жуда ширин. Республикаимизнинг нафақат иссиқ, балки совуқ минтақаларига ҳам мослашиб кетади. Чунки дастлабки ўрғанишларга қараганда, 40 даражача совуққа, 60 — 65 даражача иссиққа улар бардош беради.

Чиндан ҳам, “Баяд” зотли қўйлар чўл иқлим шароитига мослашувчанлиги, ҳосилдорлиги паст яйловларда ҳам яшовчанлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Қўчорларнинг бўйи 78 — 80 см., совлиқларники 70 — 73 сантиметрни ташкил этиб, танаси узун ва яхши ривожланган. Қўчорларнинг тирик вазни 70 — 75 кг., совлиқларники 52 — 54 кг., 1,5 ёшли қўйларники 47 — 49 килога етади.

Ўзбекистонда яйловларнинг катта қисми — 16 миллион гектарга яқини чўл яйловлари эканлигини инобатга оладиган бўлсак, Мўғулистондан келтириляётган қўй зотлари чўл минтақаларида чорвачиликни ривожлантириш учун айна мудаодир.

Чорвадорларга имтиёз

Навоий вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бoshқармаси бошлиғи Ойбек Низомовнинг айтишича, Мўғулистон қўй зотлари орасидан “Баяд” зоти тасодифан танлангани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Навоий вилоятига ташрифи чоғида чорвачиликда самарадорликни ошириш, чўл яйловларидан унумли фойдаланиш мақсадида Мўғулистон билан ҳамкорлик қилиш, унинг илғор тажрибаларини ўрганиш бўйича топшириқ берилган эди. Шундан кейин чиқиб, Ўзбекистон делегацияси ушбу давлатда бўлиб, чорвачиликдаги тажриба ўрганилди. Юртимиз олимлари ва масъуллар фикрлашиб, чўл ҳудудида мос “Баяд” зотини сотиб олиш бўйича тугал фикрга келишди.

— Хориждан янги қўй зотлари олиб келиниб кўпайтириляётгани Президентимиз томонидан Навоий вилоятидаги мавжуд 9 млн. гектар яйловлардан унум-

“Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистонга 2025-2026 йиллар давомида 100 минг бош “Баяд” зотли қўйлар олиб келиниши белгиланган. Уларни маҳаллий шароитда наслчилик-селекция ишлари ёрдамида кўпайтириш орқали маҳсулдор қўйлар сонини 2029 йил якунига қадар 1 млн. бошга етказиш мақсад қилинган.”

Ҳамкорликнинг стратегик босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 24-25 июнь кунлари давлат ташрифи билан Мўғулистонда бўлди. Ушбу тарихий ташриф ўтган йилнинг июни ойида Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида бошланган фаол сиёсий мулоқотнинг мантиқий давоми ўлароқ, икки давлат ўртасидаги муносабатларда томон янги йўналишларни бошлаб берди.

Мазкур ташрифнинг “тарихий” дея атилишининг сабаблари бор, албатта. Чунки икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганига ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтиб, Ўзбекистон раҳбари Улан-Баторга илк давлат ташрифи билан борди. Натижалар эса томонлар кутганидек, ўта юқори ва самарали бўлди.

Икки кунлик ташрифта Ўзбекистон — Мўғулистон дўстлиги ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришининг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади. Шунингдек, Президентлар ҳузурда бир қатор ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Мўғулистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича ҳамкорлик режаси имзоланди.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан аҳд-лашилди. Бунинг самаралари ҳозирданок кўзга ташланмоқда. Мисол учун, Улан-Баторда Ўзбекистон маҳсулотлари шоурумига эга “Савдо уйи” очилди, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қатор қўшма лойиҳалар ишга туширилди. Чорвачилик, озиқ-овқат саноати каби иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида яна кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 июлдаги “Мўғулистонга олий даражадаги ташриф давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори томонлар учун тенг манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларига янги суръат бағишляпти.

100 минг бош насли қўй олиб келинади

Қишлоқ хўжалигида комплекс ҳамкорликни чуқурлаштириш, айниқса, чорвачилик йўналишида қўшма кластерлар ташкил этиш, гўшт-сут, жун ва чарм маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқариш бўйича кооперация лойиҳаларини амалга ошириш Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Хусусан, Қорақалпоғистон ва Наманганда чорвачилик агрокластерлари йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Бу наслчилик ишларини яхшилаш баробарида, икки бозорни сифатли гўшт маҳсулотлари билан тўлдирish, улар нархи ошиб кетишининг олдини олишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Мўғулистон билан савдо-иқтисодий муносабатларда чорвачиликка жиддий эътибор қаратиляётгани бежиз эмас. Негаки, мазкур тармоқ мамлакат иқтисодиётининг драйвери саналади. Аҳолисининг 30 фоизга яқини чорвачилик соҳасида меҳнат қилиши, яппи ички маҳсулотнинг 11 — 13 фоизи мазкур тармоқ улушига тўғри келиши бунинг яққол далилидир.

Статистика маълумотларига қараганда, бугунги кунда Мўғулистонда чорва моллари сони 57,6 млн. бошга етган бўлиб, шунинг тахминан 85 — 90 фоизини майда шохли моллар, яъни қўй-эчкилар ташкил этади. Қўйларнинг, асосан, “Баяд”, “Хангай”, “Дархад”, “Баянхонгор” зотлари, эчкининг эса “Кашемир”, “Гоби” ва “Ховд” зотлари парвартирилянади. Улар, асосан, саноатбop майин жуни, тотли гўшти учун кўпайтирилади.

Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистонга 2025-2026 йиллар давомида 100 минг бош “Баяд” зотли қўйлар олиб келиниши белгиланган. Уларни маҳаллий шароитда наслчилик-селекция ишлари ёрдамида кўпайтириш орқали маҳсулдор қўйлар сонини 2029 йил якунига қадар 1 млн. бошга етказиш мақсад қилинган. Мазкур вазифа ижросини изчил таъминлаш учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасида махсус ишчи гуруҳи

тузилиб, Мўғулистондан келтириляётган майда шохли молларнинг умумий характеристикаси ва импорт учун қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Унга қўра, импорт жараёнида совуқ ҳамда иссиқ иқлимга мослашувчан, жун қопламаси қалин, ёши ўттиз ойликкача бўлган қўй ва эчкилар танланади. Подани тўлдирувчи ёш кўчор ва тақаларнинг ҳам ёши ўттиз ойликкача бўлиши лoзим. Чорвадор тадбиркорларнинг ушбу тавсия ва талабларга қатъий риоя этилиши назорат қилиб бoрилади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси масъуларининг айтишича, бундан кўзланган мақсад, аввало, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш орқали гўшт еттиштириш ҳажминини муттасил ошириш, қолаверса, саноатбop жун ва кашемирини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

«Баяд» зотининг афзаллиги нимада?

Маълумотларга қараганда, дунёда олти юзга яқин қўй зотлари мавжуд бўлиб, улар орасида мамлакатимиз иқлим шароитига мослари ҳам бисёр. Охириги беш йилда хорижий давлатлардан 792 минг бош ана шундай қўй-эчки олиб келинди. Бирок юртимиз чорвадорлари Мўғулистоннинг шарқий ва марказий ҳудудларида яратилган “Баяд” зотиға катта қизиқиш билдирмоқда. Шу боис ўтган йилнинг ўзида республикамизга 7 минг бош “Баяд” зотли қўй импорт қилинди.

Эътиборлиси, ушбу қўйларнинг барчаси Навоий вилоятидаги тадбиркорлар томонидан сотиб олинди. Жумладан, 754 бош қўй Конибек туманидаги “Усен ота” чорвачилик фермер хўжалигида парвартирилмоқда.

— Шу пайтгача ўзимизнинг қоракўл қўй зотини кўпайтириб келаётган эдик, — дейди ушбу фермер хўжалиғи раҳбари Азамат Кўчорбеков. — Бизнинг чўл шароитига мос келадиган бундан бошқа зот бўлмаса керак, деган



ли фойдаланиш, чорвани 10 қара кўпайтириш бўйича белгилаб берилган топшириқ ижроси сари ташланган муҳим қадам бўлди, — дейди Ойбек Низомов. — Бу жараёнда яйловларга озуқа экинлари экиб, маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриляпти. Натижада “Баяд” қўй зотини кўпайтиришга иштиёқманд чорвадорлар сафи тобора кенгаймоқда. Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган чўпонлар навоийлик фермерлар тажрибаси билан яқиндан танишган, Мўғулистондан қўй сотиб олишга қатъий қарор қилишганини билдиришяпти.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, Президент қарорига мувофиқ, чорвачилик билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга импорт қилишда имтиёзлар пакети тақдим этилгани чорвадорларга катта кўмак бўляпти.

Гап шундаки, импортга келадиган майда шохли моллар таннархи ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 2025 йил 1 августдан 2027 йил 31 декабрга қадар ҳаво транспортида ташин ҳаражатларининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоғлаб берилади. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини фоизлар ҳисобланмаган ҳолда тўлов таъминотисиз кечиктириб тўлаш имконияти яратилади. Бундан ташқари, чорвачилик йўналишида жалб қилинган халқаро молия институтларининг кредит маблағларини тадбиркорлик субъектларига йиллик 10 фоиз ставкада беш йил муддатта 2 йиллик имтиёзли давр билан ажратилиши белгиланган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг кафилиги асосида бир ой муддатда қайтариш шarti билан Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига Мўғулистондан майда шохли молларни етказиб беришда молиявий кўмак кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Бу эса шартнома асосида майда шохли молларни олиб келишда маблағлар тақчиллигининг олдини олишга ёрдам беради.

Шунингдек, Яйлов ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни муҳофаза қилиш, қоракўлчилик, тери ва жун саноати соҳаларини янада ривожлантириш бўйича республика комиссияси қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари яйлов хўжаликлари балансидаги ерлар Мўғулистондан камида 1 000 бош қўй импорт қилган тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри ижарага берилди. Бунда наслчилик ва селекция ишларини ривожлантириш орқали маҳсулдор қўйлар бош сонини кўпайтириш ҳамда яйловларда изен, терескен, қуйровуқ, камфоросма, чўғон, эркак ўт, оқ (қора) саксовул сингари озуқа-бop ўсимлик турларини экиш талаби қўйилади.

Чорвадорларга тақдим этиляётган ушбу имтиёзлар импорт қилинаётган майда шохли молларни маҳаллий шароитга мослаштириш, уларни кўпайтириш бўйича амалий чораларнинг натижадорлигини оширади, албатта.

Бинобарин, Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги ўзаро ишонч, тенглик ва муштарак манфаатга асосланган бугунги муносабатлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, чорвачилик тармоғида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда янги уфқларни очиб берди. Бу эса, ҳадемай, ўзининг юксак самараларини бериб, икки бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирish, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кескин кўтарилишига хизмат қилади.

Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги ўн бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳарларида истикомат қилувчи 220 нафар фуқаронинг мулк ҳуқуқи қонуний тартибда эътироф этилди.



САМАРҚАНД ТОМОНЛАРДА

Ярим аср деганда уй-жойига эгалик ҳуқуқини қўлга киритди

Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталсак, пастдаргомлик Қаландар Қораев 1965 йилда қурилган уй-жойига, оқдарёлик Нодира Жамолова эса 1959 йилда тикланган ва истикомат қилиб келаятган уйига нисбатан расмий ҳуқуқ эгаси сифатида тан олинди.

— Яшаб турган хондоннинг ҳужжати бўлмаса, турли масалаларда муаммоларга дуч келаверар экансан, — дейди Қ. Қораев. — Ўтган сафарги акцияда эътиборсизлик қилганимиз учун эгалик ҳуқуқи ололмаган эдик. Бу гал кадастр идораси ходимлари ўзлари уйимизга келиб, еримизни ўлчади, уй-жойимизни ва ҳужжатларни кўрди. Тегишли идоралардан ҳам хулосалар олинди. Ниҳоят, бугун уйимизга эгалик ҳуқуқини қўлга киритдик.

Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталсак, пастдаргомлик Қаландар Қораев 1965 йилда қурилган уй-жойига, оқдарёлик Нодира Жамолова эса 1959 йилда тикланган ва истикомат қилиб келаятган уйига нисбатан расмий ҳуқуқ эгаси сифатида тан олинди.

Йирик лойиҳанинг илк қадами

Самарқандда чиқиндидан электр энергияси ишлаб чиқарувчи “SUS Environment Samarkand” заводининг қурилиши бошланди. ХХРнинг “Shanghai SUS Environment” компанияси билан ҳамкорликда амалга ошириляётган лойиҳа учун 150 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинмоқда.



Лойиҳа доирасида Самарқанд шаҳрининг Сўлим кўрғон ҳудудидан 15 гектар майдон ажратилган бўлиб, кунига 1500 тонна чиқиндини термик қайта ишлаш ва йилига 240 млн. кВт электр энергия ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилади.

Янги завод қурилиши бошланиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими вази фасини бажарувчи Адиз Бобоев иштирок этиб, ҳудудда чиқиндиларни қайта ишлаш, ундан энергия ишлаб чиқариш йўналишидаги мазкур лойиҳанинг энергия барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти катта эканини таъкидлади.

Корхонада 150 тагача янги иш ўрни яратилади.

Қайта тикланувчи энергия — ҳам иқтисод, ҳам даромад

Жорий йилнинг биринчи ярмида Самарқанд вилояти бўйича 3 мингга яқин объектларга қуёш панеллари ўрнатилгани “Яшил энергия” ахборот тизимида тасдиқланган ва бунда тадбиркорлик субъектлари пешқадамлик қилмоқда.



Масалан, Ургут туманидаги “Sam Ferre” МЧЖ ҳудудига бугунги кунда 2 МВт қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, у тармоқда кучанишларнинг олдини олишга ва корхона атрофидаги истеъмолчиларни муқобил энергия манбаи билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Ёки “Ургут” эркин иқтисодий зонасида фаолият олиб бораётган “Kamalak tekstil” корхонасининг том қисмига ҳам 350 кВт/с қувватли қуёш панеллари ўрнатилди. Натижада тадбиркор ўз эътиёжидан ортиқча электр энергияни давлатга сотмоқда.

Корхона томонидан 2024 йилда Германия ва Бельгиянинг энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялари асосида қиймати 309,3 млн. сўмлик сифатли гиламлар, тафтинг ва полипропилен ип маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Шунингдек, ўтган йили 5,6 млн. АҚШ долларлик гилам маҳсулотлари Марказий Осиё ва Европа давлатларига экспорт қилинган. Жорий йилда ҳам натижалар бундан-да юқори бўлиши кутилмоқда.

Абдулазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»).



Саид РАҲМОН («Халқ сўзи»).

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ВА НАТИЖАДОРЛИК

МАЪНАВИЙ ЕТУК КАДРЛАРНИНГ ЮКСАК КАСБИЙ САЛОҲИЯТИ ҲАМДА БОШҚАРУВ МАҲОРАТИГА БОҒЛИК

Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг ҳозирги босқичи давлат ва ҳўжалик бошқаруви бўлган барча бўғинида фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларнинг салоҳиятини замон талаблари асосида сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш билан бирга, уларнинг ўз лавозимларини эскича иш услубида эгаллаб банд қилишни эмас, балки зиммасига юклатилган вазифаларни янгича ёндашув асосида фидойилик ва омилкорлик билан амалга оширишни тақозо этмоқда.

Фармон ва ижро

Бугунги тезкор давр илгари сураётган давлатларни ҳисобга олган ҳолда, Президентимиз томонидан шу йил 14 июлда қабул қилинган “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда ушбу йўналишда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар тизими белгилаб берилди. Зеро, юқори самарадорлик ҳамда натижадорликка давлат ва ҳўжалик бошқаруви тизимининг барча бўғинида ўзаро ўзвий, айна пайтда мувофиқлашган фаолиятини таъминлаш орқали эришилади.

Сўнги йилларда аграр соҳада амалга оширилаётган жадал ишловлар туфайли қишлоқ ҳўжалигини даъво қилиш бўйича бўғинларнинг қатори қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам кенг қамровда олиб берилмоқда. “Ақлли қишлоқ ҳўжалиги” атамаси соҳа ходимлари мулоқотида оддий иборалардан бирига айланган бунинг аққол далилидир.

Таъкидлаш кераки, бундай ян-

гиланишлар соҳамиз олдиға маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил этган ҳолда, яқин истиқболда кутилаётган ҳолатларни башорат қилибгина қолмай, балки келажакда юзага келадиган вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича креатив ечимлар топишга қодир бўлган кадрлар корпусини шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу жараёнда ходимларнинг касбий компетенцияларини мунтазам ошириш устувор вазифалардан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Вазирлик ва унинг ҳузуридаги республика ижро этувчи ҳўкимият органлари, Қишлоқ ҳўжалигида бирикма ва инновациялар миллий маркази, шунингдек, тизимдаги 24 та илмий-тадқиқот ва 9 та олий таълим муассасаси салоҳиятига таянган тарзда аграр соҳадаги инсон ресурсларини ривожлантириш йўлида тизимли фаолият олиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда вазирлик марказий аппаратида фаолият юритаётган ходимларнинг 24 нафари (11 фоизи)ни илмий даражага эга, 41 нафари (19 фоизи)ни соҳа учун долзарб мавзуларда мустақил тадқиқотлар олиб бораётган, 17 нафари (8 фоизи)ни ҳорижий олий таълим муассасалари битирувчилари, 29 нафари (14 фоизи)ни чет тилларни мукаммал



ўзлаштирган ходимлар ташкил этади. Бу, ўз навбатида, илм-фан ютуқлари, инновациялар, илгор тажриба ва ресурстежамкор технологияларни мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иқлим шароитига мослигига қараб, тезкорлик билан жорий қилишда амалий тақлифлар тайёрлашда қўл келяпти.

Кейинги йилларда тизимда ёш истеъоддорларни аниқлаш мақсадида талабалар ўртасида “Ёшлар ва инновациялар қишлоқ ҳўжалиги”, докторантлар ва ёш тадқиқотчилар орасида “Агроинновация ва ёшлар”, бошқарув аппарати ёш ходимлари ўртасида эса “Истиқбол умидлари” танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Охириги икки йил давомида ушбу танловлар голиблари ҳамда амалга оширилаётган инвестиция ва грант лойиҳалари, ҳамкорлик дастурлари доирасида 500 га яқин ходимлар, тадқиқотчилар ва талабалар малака ошириш, тажриба ортириш ва ўқув амалиётларини ўтатиш учун чет давлатларда хизмат сафариди бўлди. Мазкур таширларда ўрганилган илгор тажрибаларни амалиётга жорий қилиш бўйича ҳўла ва тақлифлар умумлаштирилиб, оммалаштирилди.

Эътиборлиси, вазирлик тизимдаги ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш маънавий-маъри-

фий ишлар, давлат тилини жорий қилиш билан ҳамроҳлиқда олиб берилмоқда. Ҳолбуки, соҳада фаолият юритаётган ҳар бир ходим давлат фуқаролик хизматчиси сифатида ўз вазифасини бажариши учун зарур бўлган сиёсий, ҳўқуқий, иқтисодий, касбий ва маънавий билимлар қаторида ёзма ва оғзаки нутқ маданиятига ҳам эга бўлиши лозим.

Тизимдаги ходимларнинг жойлардаги ўқув машғулотида фойдаланиши учун соҳа мутахассислари, хорижий экспертлар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимлари ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, сиёсий, ҳўқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, касбий мавзуларда 56 та, давлат тилида идоравий иш юритиш асослари юза-сидан 20 та мавзу бўйича видео-дарслар тайёрланиб, қуйи органларга юборилди. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги атамаларининг озоҳли лўғати, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги энциклопедиясининг 1-жилди чоп этилди.

2024 йилдан бошлаб вазирлик марказий аппаратида касбий маърифат соатлари ўтказилиши тизимли равишда йўлга қўйилгани эътиборга молик. Бундай маърифий тадбирлар ўтган йили 52 та, жорий йилнинг 7 ойи давомида эса 29 та долзарб мавзу бўйича ўтказилди. Қолаверса, ўтган йили вазирлик тизимида “Маънавий-маърифий ишлар тизимли йўлга қўйилган ташкилот” танлови ўтказилди. Унинг доирасида 767 та ташкилот фаолияти ўрганилиб, ҳар томонлама баҳоланди. Яқиний натижаларга кўра, реيتينг кўрсаткичлари юқори бўлган 20 та тизим ва ҳудудий ташкилот Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Аграр соҳа мажмуи каса-

ба уюшмалари Республика кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат марказининг қўшма дипломи, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом этирилиб, жорий йилнинг май-июнь ойлари давомида 707 та ташкилот фаолияти ўрганилди. Баҳолаш якунларига қараганда, уларнинг 604 таси ёки 85,6 фоизда фаолият талаб даражасида ташкил этилганлиги, 103 таси ёки 14,4 фоизда эса ишларни фаолаштириш лозимлиги маълум бўлди. Пировардида қуйи бўғинларда раҳбарлар томонидан инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш, юридик хизмат ходимларининг касбий салоҳиятини ошириш ишларини ҳамкорликда ташкил этиш зарур, деган тўхтамга келинди.

Бинобарин, аграр тармоқда эришилаётган ютуқларда, айтиш жоизки, ишловларнинг янги босқичи талаблари асосида соҳа ходимлари салоҳиятини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, 2024 йилда “Энг намунали вазирлик ва идора” танловида вазирлигимиз фаолияти эътироф этилиб, 1-ўринга сазовор бўлди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус соврини билан мукофотланди. Бундай юксак эътибор фаолиятимиз натижадорлигини оширишда катта рағбат бўлиши билан бирга, соҳани сифат жиҳатдан ривожлантириш, бизнес муҳитини янада яхшилашда ташаббус кўрсатишга руҳлантирмоқда.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ҳўжалиги вазирининг
маслаҳатчиси.

ШАМОЛНИ ИЗМИГА БЎЙСУНДИРАЁТГАНЛАР

ёхуд 20 МВт қувватга тенг Чорвоқ шамол электр станцияси лойиҳаси ҳақида

Сўнги йилларда, айниқса, шамол энергетикасини ривожлантириш борасида амалий ишлар бошланди.

Янги Ўзбекистон ҳар бир йўналишда илгор мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик негизида маҳаллий кесимдаги ишловларни изчил таътиб этиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар стратегия шерикилик, ўзаро ишонч ва ўзоқ йиллик дўстлик тамойиллари асосида изчил ривожланишда. Айни чоғда, давлатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар ўнатирилганига 33 йил тўлгани ўзаро ҳамкорлигининг бундан кейин ҳам жадал ривожланишига замин бўлади. Асосийси, бундай кенг қамровли ҳамкорлик мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, иқтисодий-иқтисодий тараққиёти ва халқаро нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда “Ўзбекидро-энерго” АЖ томонидан қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш йўналишида Хитойнинг нуфузли ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2023 йил 17 октябрда Хитойнинг Шинжон-Ўйғур автоном райони савдо департаменти кўмагида “Ўзбекидро-энерго” АЖнинг биринчи грант лойиҳалари жалб қилиш доирасида Ўзбекистонда шамол электр станциясини қуриш грант лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро келишув меморандуми имзоланган.

Мазкур келишув асосида бугунги кунда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Чорвоқ шамол электр станциясини қуриш” лойиҳаси доирасида амалий ишлар бошлаб юборилган.

Хитой томонидан ажратилган тўғридан-тўғри бегараз кўмак, грант маблағларининг қиймати 28,0 млн. АҚШ доллари ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш мuddати 2025-2026 йилларга режалаштирилган. Ушбу лойиҳа доирасида 20 МВт қувватга тенг шамол электр станцияси тикланади. Бунда йилга ўртача 50 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шу билан бир-

га, 30 та янги иш ўрни яратилади.

Хитойнинг Шинжон-Ўйғур автоном райони савдо департаменти томонидан лойиҳани қуриш ишларини олиб бориш учун ўтказилган тендерда “ТБЕА Со., Ltd” компанияси голиб бўлиб, бош пудратчи этиб танланган.

Ҳўш, шамолни яилловлаш ва ундан фойдаланиш нима беради?

Мазкур лойиҳа фойдаланишга топширилгандан сўнг қарий 20 минг хонадон электр энергия билан таъминланади.

Бугунги кунда бош пудратчи томонидан Тошкент вилояти ҳўкимининг тегишли қарори асосида ажратилган 10 гектарга тенг ер майдонида (Бурчмулла ҳудудида) қурилиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда Хитойдан олиб келинаётган замонавий технология асос-ўсқуналарни босқичма-босқич монтаж қилиш ишлари давом этирилмоқда.

Ушбу шамол электр станцияси орқали ишлаб чиқарилган электр энергияси йилига 811,1 минг метр куб табиий газ ёки 3,15 минг тонна кўмирни тежаш имконини беради. Бу нафақат атроф-муҳит муҳофазаси, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали ечим ҳисобланади.

Маълумот учун айтиш жоиз, бирмунча вақт мукaddат “Ўзбекидро-энерго” АЖ томонидан мамлакатимизда шамол станцияси орқали электр энергия олиш борасида биринчи қадам қўйилган эди. Бу илк шамол электр технологияси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 750 кВт энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган қурилмадир.

Қайд этиш лозимки, “Ўзбекидро-энерго” АЖ фаолиятига 2017 йил 18 май санасида асос солинган бўлса, шамол станциясининг ҳам ўша йилнинг ўзидеёқ эксплуатацияга топширилганлиги соҳадаги янги изланишлар ва машаққатли меҳнат натижасини ифодалайди.

Том маънода, экологик тоза энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича жорий шамол электр станциясининг қурилиши ҳам шу савий-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлиб, ушбу йўналишни ривожлантиришда муҳим босқич ҳисобланади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(“Халқ сўзи”).

АСАЛАРИЛАР ОММАВИЙ НОБУД БЎЛМОҚДА

Бунга суд орқали ҳам ечим топилмади. Нега?

Асалари юз грамм нектар йиғиш учун тахминан бир миллионга гулга қўнади. Тиниб-тинчимас жонивор бир килограмм асал тўплаш мақсадида бир неча юз минг километр масофани босиб ўтар экан. Бу — Ер сайёрасини камиди ўн марта айланиб чиқиш билан баробар.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Эътибор беринг, буюк олим Эйнштейннинг фикрига кўра, одам кислородсиз бор-йўғи уч дақиқа, сувсиз эса уч кун, асалариларсиз эса тўрт йил яшай олади, ҳолос. Шу жиҳатдан олганда, мутахассислар асалариларнинг ҳозирги миқдори барча ўсимликларни чаглатиш учун етарли эмаслигини айтишади. Дунё бўйича асалариларнинг қирилиб кетаётгани глобал муаммага айланаётгани ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам бежиз бонг ураётгани йўқ.

Ўзбекистонда асаларичиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ юртимизда этиштирилган асал ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини эгалламоқда. Аммо тан олиш керак, Қашқадарё вилоятида асаларичилик бош берк кўчага қириб бораётгани ҳам бор гап. Асал этиштиришда воҳода юзага келадиган муаммолар ва баъзи камчиликларни соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқишга ҳаракат қилиди.

«Бир кунда асалариларимдан айрилдим»

Аввало, айтиш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 июндаги тегишли қарори билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига қишлоқ ҳўжалиги экинларини асалари ёрдамида чаглатиш бўйича қўйидаги вазифалар юклатилган:

— қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун асалари ёрдамида чаглатиш хизматини кўрсатишни ташкил этиш;

— асаларичилик субъектлари, пахтачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида тузиладиган шартномалар реестрини юритиш.

Ушбу тартибга кўра, асаларичилик субъектлари қишлоқ ҳўжалиги экинларида асал йиғиш билан бир қаторда, уларни чаглатгани учун шартнома асосида хизмат ҳақи ҳам олиши мумкин. Аммо Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, бу тартиб амалда дерили ишлаётгани йўқ. Чунки маҳаллий фермерлар ва кластер корхоналари раҳбарлари экинни асалари ёрдамида чаглатишнинг самаралари ҳақида етарли маълумотга эга эмас.

Асаларичилар ҳам шартнома асосида экинларни чаглатиб, бу хизмат учун пул олиш ҳақида қайғураётгани йўқ. Шунчаки фермерлар уларга

қишлоқ ҳўжалиги экинлари, асосан, гўза гулидан асал йиғиш учун имконият яратишса, далага кимёвий ишлов беришдан аввал уларни оғохлантиришса бўлгани. Ҳозирги шароитда эса фермерлар бу ишни ҳеч қандай оғохлантиришсиз, ўзбошимчилик билан амалга оширмоқда. Натижада кўплаб асаларичилар бир кунда барча асаларисидан айрилиб, додини кимга айтишни билмай қолишаёти.

Мисол учун, 2025 йилнинг июнь-июль ойларида фермернинг ўз дала-сига кучли кимёвий препаратларнинг қўллаши натижасида Қарши туманилик Дилшод Умаров 200 оила асаларисининг барчасини, шу туманлик Толиб Бобоматов 105 оила асаларисининг 57 фоизини, Азамат Султонов 95 оила асаларисининг 53 фоизини йўқотган.

270 оила асаларисини Нишон туманидаги пахта далаларига олиб борган Алишер Холмуродов ҳамда Баҳоидир Бойматов ҳам фермернинг оғохлантирмасдан ўз даласига кимёвий ишлов бериши оқибатида қарий 70 фоиз асаларисидан айрилган.

Шунингдек, чироқчилик Файзулла Янгибоевнинг 170 оила, Элдор Абдиевнинг 80, қосонлик Отамурод Дўстмуродовнинг 100, Бобомурод Аслановнинг 30, миришкорлик Сардор Қўчаковнинг 135, Шухрат Янгибоевнинг 40, Маҳмуд Однамуродовнинг 36, Дилшод Однамуродовнинг 60, қосонлик Улмас Азимовнинг 50, мубораклик Қаҳрамон Фуломовнинг 100 оила асаларилари ҳам худди шундай сабаб билан бир кунда нобуд бўлган. Энг ачинарлиси, бу рақамларни яна давом эттириш мумкин.

— Бу соҳанинг меҳнатини шу иш билан машғул одам билди, — дейди асаларисидан айрилган тадбиркорлар. — Биз мавсум учун ҳаракатини эрта баҳордан бошлаганмиз. Апрель-май ойларида асаларини тоғли ҳудудлар, адирликларда олиб юрамиз. Ёзга келиб у жойларда гуллар қолмайди. Нелиз пахта далаларига келишга мажбур бўламиз. Шунча машаққат билан бу ерга келиб, бир кунда барча асаларимиздан айрилиш алам қилади.

Мақолани тайёрлаш асносида кўплаб асаларичилик субъектлари раҳбарлари, оилавий тадбиркорлар билан ҳам суҳбатлашдик. Уларнинг айтишича, соҳада муаммолар кўп. Лекин экинларга кимёвий ишлов берилиши натижасида асалариларнинг оммавий қирилиб кетаётгани жуда ачинарли ҳол. Ҳўш, бу муаммага ечим топиладими?

Соҳага алоқадор мутасадди раҳбарлардан аниқ жавоб кутамиз.

Янги қонунга эҳтиёж сезилмоқда

Қашқадарё вилояти асаларичилар уюшмаси раиси Равайн Бойматовнинг айтишича, асаларичилик қишлоқ ҳўжалигидаги барча тармоқлар ичиде энг даромадлиси ҳисобланади.

— Масалан, битта оила 20 уя асалари босқа йилга камиде 800 килограмм асал олади, — дейди у. — Бугунги бозор нарҳида бу 64 миллион сўм пул, дегани. Ваҳоланки, 20 уя асалари учун бир киши баҳор ва ёзда, нари босса, 6 ой меҳнат қилса бўлган. Яна қайси соҳадан кўп куч ва ресурс сарфламасдан туриб шунча даромад олиш мумкин? Аксарият худудларимизда бунинг учун шароит бор. Лекин шунга қарамай, одамларимиз бу ишни самарасиз тармоқ сифатида билишади. Негаки, худуддаги битта фермер ёки томорқачининг оғохлантиришсиз ўз даласига кучли кимёвий ўғитларни сепиши натижасида бор асаларилар нобуд бўлиши мумкин.

Равайн Бойматов, шунингдек, сўнги йилларда асаларичиликни ривожлантириш бўйича ҳўкуматимиз томонидан кўплаб ҳўқуқий-норматив ҳужжатлар имзолангани, бироқ асаларичиларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қиладиган, уларга етказилган зарарнинг миқдорини белгилаб, айбдордан ундириш имконини берадиган ягона норма йўқлигини ҳам таъкидлади.

— Фермернинг оғохлантиришсиз даласига кимёвий ишлов бериши натижасида катта зарар кўрган бир қатор асаларичиларимиз бу борада судга ҳам мурожаат этишди... Ва ютқазинди, — дейди у. — Негаки, фермер ёки кластернинг зиммасида далага кимёвий ишлов беришдан олдин худуддаги асаларичиларни оғохлантириш билан боғлиқ бирор-бир мажбурият йўқ. Бу ҳақон виждон иши бўлиб қолмоқда. Суд эса ҳужжатларга қараб иш юритади. Агар фермерлар, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари билан асаларичилар ўртасида муносабатларни ҳўқуқий асословчи бирор-бир меъёрий ҳужжат бўлганда, фермерлар ҳам озгина масъулият сезганида, бу тармоқ жадал ривожланиб кетган бўларди. Ҳозир эса муносабатлар аросатда депсиниб турибди...

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(“Халқ сўзи”).

Ташаббус

Бугунги кунда юртимизда маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этаётган муборак ҳаж амалини адо қилиб келган юртдошларимизнинг савий-ҳаракатлари ҳар қандай инсонни қувонтиради. Улар, бир қарасангиз, ажрлиш ёқасига келган оилаларни яраштираётган, бошқа бир пайтда муҳтожларга ёрдам қўлини чўзаётган, шу билан бирга, йўлдан адашганларни маърифатга қорлаётган фидойиларга айланган. Бу эзгу ҳаракатлар Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга кўчган “Инсон қадрини унён, инсон бахти учун” тамойилнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Янги Ўзбекистоннинг Маънавият Тарғиботчилари

Ўтган йили ҳаж зиёрати иштирокчилари “Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз”, деган ташаббус илгари сурган эди. Мана, бугунга келиб ушбу ташаббус асосида ярим миллиондан ортиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжман оилаларга 6 млрд. 300 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида қарий 100 мингта маънавий-маърифий учрашувлар ўтказилди, бу жараёнда турли миллат ва элат вақилларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

2025 йилда ҳам 15 минг нафар юртдошимиз ҳаж амалини адо этиб, ана шу хайрли ишларни давом эттирмоқда. Бу йилги ҳаж мавсуми тарихий, маънавий ва ташкилий жиҳатдан муҳим воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистонлик зиёратчилар учун яратилган қулай шарт-шароитлар — авиаларовозлар, шина маҳмонхоналар, малакали тиббиёт ходимлари ва юксак даражадаги ташкилий масалалар дунё мусулмонларининг эътирофи ва ҳавасига сазовор бўлди.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири — давлатимиз раҳбарининг зиёратчилар билан бевосита телефон орқали мулоқот қилиб, уларнинг аҳолидан хабар олганидир. Бу ғамхўрлик зиёратчиларимиз қалбиде чуқур таассурот қолдирди. Шу рўнда Арафот майдонида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар бошчилигида “Янги Ўзбекистоннинг тинчлик ва маънавият тарғиботчилари бўламиз” деган эзгу қаҳриқ илгари сурилди.

Бугунги кунда ҳаж амалини адо қилиб қайтган юртдошларимиз бутун мамлакат бўйлаб маҳалларда фаол тарғибот ишларини олиб бормоқда. Масалан, дастлабки тадбирлар давомида Наманганда 80 та, Тошкент шаҳрида 20 та хонадонда ногиронлиги борлар, нотинч оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олинди. Айни пайтда, хайрия ишларининг кўлами изчил кенгайиб бормоқда.

Аниқ амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи уч нафар фарзанднинг онаси Нигора Жапарованинг ҳаёти шундай эзгу ташаббус натижасида яхши томонга ўзгарди. У ҳаж зиёратчилари кўмагида уч хонали шинам уйга эга бўлди.

Ёки Фарғонада ажрим ёқасига келган ёш оила яраштирилиб, уч нафар бола етим қолишининг олди олинди. Тинчлик ва маънавият тарғиботчилари томонидан аниқланган ишсиз хотин-қизлар учун наманганлик тадбиркор Фахриддин Тўраевнинг ишлаб чиқариш цехида иш ўрнилари яратилди. Бу маҳаллий тадбиркорлик ва маънавият уйғунлигидаги савобли ишларнинг самарасидир.

Бугунги мураккаб замонда яхшилик ва бағрикенгликни тарғиб қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, инсон яшайдиган муҳит унинг дунёқараши ва хатти-ҳаракатларига катта таъсир кўрсатади. Жамиятда эзгу ишларни қанчалик кўпайтса, Ватанга садоқатли, олийжаноб инсонлар сони шунчалик ортиб боради.

Шу мақсадда нурунийлар, ҳаж зиёратчилари ва маҳалладаги фаоллар “маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирларга пухта тайёрлик кўрмоқда. Хонадонлар кесимида аниқланган эҳтиёжман оилалар рўйхати асосида амалий ёрдам ишлари давом этмоқда.

Бошқа минтақаларда нотинчлик ва муҳтожлик инсонлар ҳаловатини бузган бир пайтда, юртимизда тинчлик ва фаровонлик ҳўкм сурмоқда. Бу неъматлар учун шўкроналик билдириш, уларни асраб-авайлаш ҳам бир фуқароннинг бурчидир.

Ҳаж зиёратидан қайтган юртдошларимиз фақат моддий ёрдам билан чекланиб қолмай, шўкроналик туйғусини, китобхонлик, илм-маърифатга меҳрини ҳам тарғиб қилмоқда. Зеро, ислом динида илм масаласига алоҳида аҳамият берилади. Илк нозил бўлган оят “**Уқи!**” деб бошлангани ҳам бунинг далилидир. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: “*Ким илм талаб қилса, Аллоҳ унга жаннат йўлини оsonлаштиради*”, деганлар.

Улуғ саҳоба Али ибн Абу Толиб розияллоху анху: “*Илм молдан яхшидир, чунки у сени муҳофиза қилади, молни эса сен қўриқлайсан. Илм ҳўким, мол эса маҳкумдир*”, деган.

Қисқача айтганда, ҳаж амалини адо этган юртдошларимиз бугун чин маънода маънавият етакчиларига айланди. Улар халқимиз орасида тўй ва маросимларни камхарж, ихчам ўтказишга қаҳирмоқда, оилаларни яраштириш, ёшларни тарбиялаш, муҳтожларга кўмаклашишда фаол иштирок этмоқ

ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ — ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Шу маънода, Президентимизнинг 2025 йил 14 июлдаги "Ислохотларни амалга оширишда истиқболли ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. У ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, янги гоёларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятнинг фаол иштирокини таъминлашга қaratилган билан гоёт аҳамиятли. Ҳужжат мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ўсишини таъминлаш жараёнида кенг аҳоли қатламнинг иштирокини ҳамда уларнинг турли соҳалардаги истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш, инновацион фаоллигини янада оширишнинг самарали механизмларини жорий қилишга ҳисса қўшади.



радорлигини рўёбга чиқариш, инновацион гоёларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятнинг фаол иштирокини таъминлаш имконини беради.

Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, муваффақиятли ислохотлар жамиятнинг фаол иштирокисиз амалга ошмайди. Фуқароларнинг фикрини инобатга олиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида рағбат қилиш муваффақият омилларидан биридир.

Ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг иштироки олиб борилаётган ишларнинг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлайди. Жамият фикрини инобатга олиш орқали уларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги ошади. Давлат органларининг масъулиятини кучайтиради ва ҳисобдорлигини таъминлайди. Давлат ва жамият ўртасидаги ишонч мустаҳкамланади, бу эса ислохотларнинг муваффақиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон тажрибаси бизга нима беради?

Ислохотларни амалга оширишда жамиятнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида Корея Республикаси тажрибаси эътиборга лойиқ. Утган асрнинг 90-йилларидаги иқтисодий чора-тадбирлар жараёнида Жанубий Корея ҳукумати фуқароларнинг фикрини мунтазам равишда ўрганиб, уларни ислохотларнинг муҳокамасида фаол иштирок этишга жалб қилган. Бу эса муваффақиятга эришишда муҳим аҳамият касб этган.

Эки Эстония ҳукумати рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда жамиятнинг ислохотлардаги иштирокини таъминлаган. Фуқаролар онлайн платформалар орқали ўз фикрларини билдириш, тақлифлар киритиш ва қарор қабул қилиш

жараёнида қатнашиш имконига эга бўлган.

Канадада давлат органлари жамият билан мулоқот қилиш учун кенг қўламли маслаҳатлашувлар ўтказишди. Бунда фуқароларнинг фикрини ўрганиш, уларнинг эhti-ёлларини аниқлаш ва ислохотлар натижаларини баҳолашга катта эътибор қаратилади.

Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, фуқароларнинг фикрини инобатга олиш орқали мулоқот қилиш имконияти янада ошириш учун кенг жамоатчилик ва жамиятнинг турли қатламлари вакиллари, хусусан, етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ҳамда ватандошларнинг иштирокини қўллаб-қувватлаш, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини интеграциялаш, ҳамма учун очик мулоқот майдонини яратиш, илғор гоёлар ҳамда истиқболли ташаббусларни саралаш ва танлаб олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш талаб этилади.

Президентимиз Фармонида бу масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Бунинг учун 2025 йилдан эътиборан ҳар йили "Келажак учун" истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиб бориш амалиёти йўлга қўйилган бўлди. Форум "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёнида кенг аҳоли қатламнинг истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ҳамда уларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Стратегик ислохотлар агентлиги форумга келиб тушган истиқболли ташаббусларни йиғиш, уларнинг ягона рўйхатини шакллантириш, махсус крауд платформага жойлаштириш ва эълон қилиб боришга, шунингдек, маъқулланган истиқболли ташаббусларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари орқали ислохотларнинг мақсадлари, вазифалари ва кутилаётган натижалари ҳақида жамият мунтазам равишда хабардор қилиб бориляпти.

Бу борадаги ишлар натижадорлигини янада ошириш учун кенг жамоатчилик ва жамиятнинг турли қатламлари вакиллари, хусусан, етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ҳамда ватандошларнинг иштирокини қўллаб-қувватлаш, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини интеграциялаш, ҳамма учун очик мулоқот майдонини яратиш, илғор гоёлар ҳамда истиқболли ташаббусларни саралаш ва танлаб олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш талаб этилади.

Президентимиз Фармонида бу масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Бунинг учун 2025 йилдан эътиборан ҳар йили "Келажак учун" истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиб бориш амалиёти йўлга қўйилган бўлди. Форум "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёнида кенг аҳоли қатламнинг истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ҳамда уларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Стратегик ислохотлар агентлиги форумга келиб тушган истиқболли ташаббусларни йиғиш, уларнинг ягона рўйхатини шакллантириш, махсус крауд платформага жойлаштириш ва эълон қилиб боришга, шунингдек, маъқулланган истиқболли ташаббусларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади.

Сиёсатдан четда туриш — бу ўз ҳаётимизга бефарқлик

Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиш жоиз. Кўпчилик сиёсатдан узоқ юришни афзал кўради. Уларнинг фикрича, сиёсат — бошогрик иш, ундан четда бўлган яхшироқ. Аммо бу нотўғри фикр. Чунки сиёсат — бизнинг ҳаётимизнинг ажралмас қисми. У бизнинг иқтисодий ҳаётимизга, таълимимизга,

соғлигимизга ва ҳатто шахсий эркинлигимизга ҳам таъсир қилади. Шундай экан, сиёсатдан четда туриш — бу ўз ҳаётимизга бефарқ бўлиш, демек.

Ҳар бир инсоннинг сиёсатда иштирок этишига ҳаққи бор. Бу нафақат ҳуқуқ, балки мажбурий ҳамдир. Чунки фақатгина шу йўл билан биз жамиятимизни яхши томонга ўзгартира оламиз. Агар биз сиёсатдан четда турсак, у ҳолда ўз тақдиримизни бошқаларнинг қўлига топширган бўламиз.

Ислохотлар жамиятимизни яхшилашга қаратилган ўзгаришлардир. Улар ҳар биримизга дахлдор. Шунинг учун ҳам ислохотларда иштирок этиш жуда муҳим. Биз ўз фикримизни билдиришимиз, тақлифлар беришимиз ва ислохотларнинг амалга оширилишини назорат қилишимиз керак. Агар биз биргаликда ҳаракат қилсак, жамиятимизни янада адолатли, демократик ва фаровон эта оламиз. Сиёсатдан четда турманг, ислохотларда иштирок этинг!

Тан олиш керак, ислохотлар муваффақияти — бу жамият ва ҳукуматнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижаси. Жамиятнинг фаол иштироки рағбатлантириш орқали ислохотларнинг легитимлигини ошириш, шаффофликни таъминлаш, амалий тажрибадан фойдаланиш ва уларнинг барқарорлигига эришиш мумкин. Фақат шундагина ислохотлар жамиятнинг тараққиётига хизмат қилади ва халқ фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, фуқароларнинг фикрини инобатга олиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларни қарор қабул қилиш жараёнидаги жалб этиш — ислохотларнинг муваффақиятида муҳим рўй ўйнайди. Ўзбекистон бу борада халқаро тажрибани ўрганиб, ўзи учун зарур сабақлар чиқараётгани, ислохотларни амалга оширишда жамиятнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўраётгани ўз меваларини бермоқда.

Сардор ХОДЖАНИЗОВ,
Абу Райҳон Бериуний номидаги
Урганч давлат университети
ректори, педагогика вақтинчи
бажарувчи, вазифасига фаълари
доктори, профессор.

ФУТБОЛ хабарлари

Ўсмирларимиз халқаро мусобақада қатнашади

ФИФАнинг 17 ёшлилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида тайёргарликни давом эттираётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сентябрь ойида Испанияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказди.



Ислом Исмоилов шогирдлари йиғин доирасида халқаро мусобақада қатнашади ва жорий йилги "U-17" иштирокчилари — Англия, Канада ҳамда Марокаш ўсмирлар терма жамоаларига қарши майдонга тушади. Таквимга кўра, 3 сентябрда УЕФА аъзоси Англия, 6 сентябрда Канада ва 9 сентябрь кунини Африка китъаси вакили Марокаш футболчилари билан куч синашади.

Аббосбек — «Истанбул Башакшеҳир» футболчиси



Ўзбек футбол мухлислари кутган янгилик расман тасдиқланди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси яримҳимоячиси Аббосбек Файзуллаев — "Истанбул Башакшеҳир"га ўтди.

Бу ҳақда турк клуби ўзининг ижтимоий тармоқларида эълон қилди. Ҳамюртимиз янги жамоада 11-рақам остида тўп тепади. У собиқ жамоаси ЦСҚАда ўтказган икки мавсум давомида 72 та баҳсда майдонга тушиб, 8 та гол урди ва 22 та голга ҳаммуаллифлик қилди. Эслабти ўтамыз, янги мавсум олдидан миллий терма жамоамизнинг яна бир аъзоси, ҳужумчи Элдор Шомуродов "Истанбул Башакшеҳир"га ижара асосида ўтган эди.

Қуръа ташлаш санаси маълум бўлди



Келгуси йилнинг 11 июнь — 19 июль кунлари АҚШ, Канада ва Мексика яшил майдонларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашувчи давлатларнинг 13 таси маълум бўлса, қолган 35 та йўланма учун саралаш ўйинлари белгиланган тартибда давом этмоқда.

Куни кеча жаҳон чемпионатида қуръа ташлаш санаси ва манзили тўғрисида хабар берилди. Унга биноан, йирик мусобақанинг гуруҳ босқичи учун қуръа маросими жорий йилнинг 5 декабрида Лас-Вегас (АҚШ) шаҳрида ташкил қилинади. Тадбир "Sphere Hall" мажмуасида ўтказилиши режалаштирилган. Дунёдаги энг катта шарсимон иншоот сифатида эътироф этилади-нинг мажмуа 17,5 минг нафар томошабинни ўз бағрига сиғдира олади.

«Насаф» таркибини кучайтирмоқда

"Насаф" (Қарши) жамоаси Ўзбекистон суперлигасининг ёзи танаффус оралигида ўз таркибига янги легионерларни жалб этди. Клуб бир йўла 3 нафар моҳир футболчи билан шартнома имзолади.

Нигериялик Сокаринг Киногли ва Юсуф Отубанжо, Албания вакили Аденис Шала бундан буён "Насаф" либосида ўйнайдилар. 30 ёшли яримҳимоячи С. Киногли ўз пайтида Нигериянинг турли ёш тоифаларида мамлакат шарафини ҳимоя қилган. Ҳужумчи Ю. Отубанжо эса 32 ёшда бўлиб, Европа чемпио-

натлари — Австрия, Словения ва Арманистон биринчиликларида тўп суриб, қатор ютуқларни қўлга кiritган. 26 ёшли чап қанот ҳужумчиси А. Шала, асосан, Болқон яриморли мамлакатлари жамоалари сифатида ҳаракат қилган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

БИРИНЧИ АВГУСТ ҒАЛВАЛАРИ

ёхуд олий таълимдаги янгиланишлар йигит-қизларнинг энг катта муаммоларини ҳал этгани ҳақида

Бугунги навқирон авлод мамлакатимизнинг бахтиёр ёшларидир. Буни мустақиллик йиллари, хусусан, сўнгги саккиз йилда барча соҳа сингари олий таълим тизимида амалга оширилган ислохотларда йигит-қизларимизнинг орзу-умидлари, мақсадлари ўз ифодасини топаётганида кўришимиз мумкин.

Биз, одатда, эришилган кўпгина ютуқларга тезда мослашамиз ва кечгаги кунни унутамиз. Аслида ҳар бир улкан ютуқ, ислохот тағдида кучли ирода, узоқни ўйлаб қилинган режалар, машаққатли йўл бор. Жумладан, бугун олий таълим тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар замирида ҳам.



Мушоҳада

Яқинда юртимизнинг барча ҳудудида абитуриентлар олий таълимга кириш учун билимларини баҳоловчи тест синовларидан ўтди. Бу жараёнлар жуда қўлай шароитларда, эмин-эркин, ортиқча гала-говурларсиз, асаббозарликларсиз кечди.

Унутганимиз йўқ: саккиз йил илгари вазият мутлақо бошқача эди. Имтиҳонлар бўлиб ўтadиган кун — 1 август яқинлашар-верса, унинг ғалваларидан юрак орқага тортарди. Йиллаб имтиҳонга тайёрланган абитуриентларнинг танлаш ва ўқишга кириш имкониятлари ҳам ниҳоятда чекланган эди. Яъни тест синовлари бир кунда ўтadи ва фақат битта таълим йўналишини танлайсиз, холос!

Олий таълим ва талабаларни саралаб олиш тизимидаги камчиликларнинг жамиятдаги салбий асоратларини ҳаммамиз кўриб турадик. Биринчидан, олий таълим муассасалари санокли, квота ўринлари етарсиз эди. Ҳар бир абитуриент топширган таълим йўналишига — бир ўринга 15 нафардан 25 нафаргача, ҳатто ундан ҳам кўп номзод давфоро бўларди. Тест синовларини ўтказиш учун ҳам шароитлар қониқарли эмасди. Бундай ҳолатлар, ўз навбатида, инсон ақли ва имкониятларини ҳаддан ташқари чеклар, асабларни тарагнаштиради.

Ўз-ўзиндан жараёнлар олий таълимда коррупциянинг кенг тарқалишига имкониятлар эшигини очганди. Айрим "танка"лар, "учар паровозлар", "ишбилармонлар" ўқишга киритишнинг минг турли найранглари, айлана йўллари йўлаб топилди. Бунинг оқибатида бора-бора аҳоли ўртасида "Пулнинг ёки орқанда кимнингдир бўлмаса, ўқишга кира олмайсан", деган хулоса пайдо бўлди. Ота-оналар "Фарзандимни

ўқишга киритаман", деб чет элларда йиллаб сарсон юрарди.

Иккинчидан, бундай салбий ҳолатлар талаба бўла олган ёшларда жамиятдан нозилик кайфиятини уйғотди. Улар онгида "Адолат йўқ!" деган фикрнинг шаклланиши, давлатга ишонсизлик уйғонишига сабаб бўлди.

Ун йил илгари ёшлардан "Ўқишга кира олмасан, нима қиласан?" деб сўралганда "Россия ёки бирор давлатга ишга кетаман", дер эди. Аксарият йигит-қизлар ўқишга кира олганни тўфайли жамиятда маъмув бир бўшлиққа муаллақ қолдилар. Коллеж уларга етарли даражада касб ўргата олмаган, қўлларидан бирор касби йўқ эди. Ўзини унглаб кетиш учун ҳозиргидек "ёшлар дафтари" каби йигит-қизларни ҳаётга йўналтирадиган, давлат томонидан қўллаб-қувватлов тизимлари бўлмаган. Натижада уюшмаган, мустақил фикрига эга бўлмаган ёшлар қатлами ортиб бораверди. Яшаб турган жамиятдан ҳафсаласи пир бўлган бу каби ёшларнинг ҳар қандай зарарли, вайронкор, ёт гоёларга арзимас сабаблар билан эргашиб кетган ҳолатлари жуда кўп бўлди.

Учинчидан, абитуриент минг азоб ва қийинчиликлар билан ўқишга кирганидан сўнг ҳам, унинг навбатдаги машаққатли даври бошлангани. Талабалик учун тўлов-шартнома суммасини 15 сентябргача тўлаш керак эди. Бу ҳам етмаганда, пахта теримига чиқиши, яна бошқа мажбурий меҳнатлар — ободонлаштириш ва кўча-қўйда гул, кўчат экиш каби бир қанча ташвиш кутарди уни. Буларнинг барчаси талабани ўқийдиган чалғитувчи, қизиқувчи ва умидларини сўндирувчи муаммолар манбаи эди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги саккиз йилда юртимизда олий таълимни ислох қилиш жараёнида юзлаб янги амалий ислохотларга қўл урди. Шулардан бири — абитуриентларни талабаликка қабул қилишда исло-

хотлар. Қачонлардир кимдир айтса, тўшдек туолган жараёнлар бугунги реал ҳаёт тарзига айланди.

Бугунги абитуриентлар уйдан туриб, онлайн тарзда ўзи истаган 5 та таълим муассасасига мос таълим йўналишлари бўйича ҳужжат топшириш имкониятига эга бўлди. Тест натижасига кўра ана шу олий таълим муассасаларидан бирини танлаш имконияти туғилди. Илгари ёшлар биргина ҳужжат топшириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Андижон ва бошқа вилоятлардан Тошкентга узоқ йўл юриб келишган бўлса, эндиликда вақт, маблағ сарф қилмасдан уйдан туриб ҳужжат топширмоқда. Ҳатто пойтахтдаги олийгоҳларнинг узоқ ҳудудларда филиаллари очилди. Тест синовлари эса шаффофликни таъминлаш учун барча қўлайлик таъминланган ҳолда катта спорт майдонлари, йирик павильон ва иншоотларда ўтказилмоқда. Бунда телефон орқали ёрдам сўраш ҳам, бошқа "ёрдамчи куч"ларни жалб қилиш ҳам имконсиз. Ота-оналар эса кутмиш жойларида онлайн тарзда ўз фарзандларининг имтиҳон топшириш жараёнини кузатиш имконига эга. Бугун ҳеч ким тест синовини имтиҳонларига келиб, "Адолатсизлик бўлди", "Шаффофлик бўлмади" каби салбий фикрларни айта олмайди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир ёшнинг олий маълумотли бўлиши учун қабул параметрлари сони бир неча қарра оширилди. Номдор стипендия, давлат мукофоти совриндорлари, ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун ва бошқа бир қанча махсус квота ўринлари ажратилди. Қўллаб-қувватловчи, халқаро ва қўша таълим дастурлари доирасида олийгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. 2017 йилда олий таълим муассасалари сони 70 та бўлган бўлса, бугунги кунда салкам уч марта кўпайиб, 210 тадан ошди. Олий таълимга қанров даражаси эса 9 фоздан 43 фозга етгани замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ўғил-қизларимиз учун янги имкониятлар очмоқда. Абитуриентга ўзи танлаган давлат олийгоҳига ўқишга кира олган тақдирда ҳам хусусий ёки халқаро олийгоҳларда ўқишини давом эттириш имконияти бор.

Шунингдек, талаба бўлишининг катта ташвишларидан кейинги тўлов-шартномани тўлашдаги муаммолари ҳам давлат қўллаб-қувватловига ўтди. Банклар томонидан имтиёзли таълим кредитлари ажратилмоқда. Оилада икки ва ундан ортиқ фарзанди ўқий-

диганларнинг шартнома тўловида енгилликлар яратилмоқда. Талабаларнинг ижарада яшаш тўловларининг маълум қисми ҳам давлат томонидан қўллаб берилмоқда.

Ёшларнинг сифатли таълим олиши учун барча қўлайликка эга замонавий бинолар, ўқув хоналари, яшаш учун тураржойлар мавжуд. Бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидор ва қизиқишларини юзага чиқариши учун турли йўналишларда клуб ва тўғарақлар, спорт мажмуалари ташкил қилинган. Ҳатто ёшларимиз чет элдаги олийгоҳларга уйдан туриб онлайн имтиҳон топширмоқда. Имтиҳон натижаларига кўра, уларга "Бизнинг олий таълимда ўқишни бошлашингиз мумкин", деган тақлифномалар келяпти.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабаларининг дунёнинг турли минтақасидаги йирик танловлар ёки рейтингларда юқори ўринларни эгаллагани ҳақида эшитавериб, ўрганиб ҳам қолдик.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Янги Ўзбекистон бунёдкори бўламиз!", "Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшамиз!" деган юксак мақсадлар фарзандларимиз қалбидан қучур қой олиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти мазмунига айланиб бораётгани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш жонажон Ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлардан мамнун, у ўзига, келажакка ишонади. Мақсади олий — келажакки порлоқ янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч-ғайрати, шижоатини сафарбар қилишга тайёр.

Азизбек АМОНОВ,
Бухоро давлат университети департамент
бошлиғи, доцент.

Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЭНГ ГҮЛЛАГАН Тўғилган ЧОҒИМДА...



Ҳикматлар

Йигитликда йиг
илминг маҳзани,
Қариллик чоғи
сарф қилгил ани.
Алишер Навоий

Ёшмисан, кексани
сен ҳурмат айла,
Узинг ҳам
қарийсан,
ҳозирдан ўйла.
Фаридуддин
Аттор

Ёшлик гўзаллики
кўра олгани учун
ҳам бахтиёрдир.
Гўзаллики
кўра олиш
қобилиятини
йўқотмаган киши
эса ҳеч қачон
кексаймайди.
Франц Кафка

Барҳаёт сатрлар

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

ЁШЛИК

Ёшлик! Сени қўйламаган ким,
Эртақларинг сўйламаган ким,
Қариганда ўйламаган ким,
Ўйлаб яна қўйламаган ким?
Битмоқ бўлдим мен ҳам сенга байт,
Ёш юракнинг ҳаққи борми, айм?

Ёшлик, асли менинг ўзимсан,
Кенг оламга боққан кўзимсан,
Ёзган шеърим, айтган сўзимсан,
Кечам, эртан, ушбу рўзимсан.
Битмоқ бўлдим сен учун ашбор,
Аммо ўзни қўйламоқ душвор.

Ёшлик — гулу гулгунча экан,
Бу гул олам тургунча экан,
Ёшлик — беҳад тушунча экан,
Поёни йўқ гардунча экан.
Битмоқ бўлдим мен унга дoston,
Ўйларимга топмадим поён.

Ёшлик, дилдан шавқ кетгани йўқ,
Юрак сени тарк этгани йўқ,
Юрак сени тарк этгани йўқ,
Демак, қадрингга етгани йўқ.
Ёшлик, сени қўйлаб билурман,
Аммо бугун ёшлик қилурман.

Ёшлик — ишқу ошиқлик майли,
Ўзи Мажнун, ҳам ўзи Лайли,
Субҳи олам унинг туйфайли.
Майли, унга битмасам, майли,
На бир ғазал, на бир мусаддас,
Унинг ўзи шеърдан муқаддас.

ОРЗУЛАРИМ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАЯПМАН

Ҳаёт-да, айрим тенгдошларим янги
русумдаги қимматбахо автомобилларга
орзуманд. Менинг ниятим эса уларникидан
тамомила фарқланади — болаликдан отам
Олимжон Мирзаевга тегишли тракторни
бошқаришни орзу қилардим. Асосийси,
отам ҳам менга "Кўй, қизим, трактор
ҳайдаш ўғил болаларнинг иши, сен уйга
бориб, онанга қараш", демади. Орзуларим
ушалиши учун ёнида юриб иш ўрганишимга
рухсат берди.

Садоқат

Мен деҳқон оиласида туғил-
дим. Кўплаб дўсту танишларим
қисмат излаганча қишлоқнинг
чангу ғуборидан қочиб, шаҳарга
йўл олишди. Тақдир эса мени
бошқа томонга етаклади ва бундан
сир афсусланмайдим.
Отамнинг умри қисқа экан, юрак хуружидан вафот
этганида яқинларимиз фермер хўжалигини бошқариш
осон эмаслигини айтиб, уни топшириш керак дея
маслаҳат беришди. Аммо онанга отамнинг ишини давом
эттиришга қарор қилди ва фермерликни ўз зиммасига
олди. Менинг кечимга эса ўзим ҳадисини олган
тракторни ҳайдаш ва онамга дала ишларида ёрдамчи
булиш тушди...

Фермер хўжалигимизнинг жами 14 гектар ери бор.
Ҳар йили галла ва пахтадан мўл ҳосил олиб,
белгиланган режаларни ортиғи билан бажариб
келямиз. Ҳозир айни ғўза парвариши пайти. Насиб
этса, бу йил ҳам ҳосил мўл бўлади, дея умид қилаяпмиз.
Бугун нафақат трактор, балки комбайнни ҳам бошқара
оламан. Ўтган йил "Claus Dominator" галла ўрим
комбайни билан етиштирилган мўл ҳосилни
йиштириб олишда фаол қатнашдим.
"Интилганга толе ёр" дейишганидек, бугун кўзлаган
орзуларим сари дадил одимляяпман. Келажақда
олийгоҳда ўқишни давом эттириб, техника сирлари,
деҳқончилик илмини мукамал ўрганишни мақсад
қилганман.

Зиёда ЖҲҲАБОВА,
Гулистон туманидаги «Озодбек тўғи» фермер
хўжалиги механизатори, «Келажақ бунёдкори»
медали соҳиби.

Саҳифа материалларини Раҳматжон БОБОЖОНОВ ва
Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи») уюштирди.

Матонат

ОНАМНИНГ САБОТИ — ЗАФАРЛАРИМ САБАБЧИСИ

Одамнинг ҳаётида синов ва
қувонч бир пайтда келадиган
ҳаяжонли дамлар камдан-кам
бўлади. Ҳаётимдаги шундай
воқеа бир неча ойлар аввал
"Ёш китобхон" танловида рўй
берди.

Ўшанда мен
хали нималар
бўлаётганини
тўла англа-
май, голиб-
ликдан мас-
рур, тез ора-
да совға қили-
ниши керак
бўлган автомобиль олдида интер-
вью бераётгандим. Бирдан шундай
қувончли кунда ёнимда бирорта
яқиним йўқлиги хаёлимдан ярқ этиб
ўтди. Юрагимда оғрик пайдо бўлди.
Ўшанда битта эмас, уч фарзандини
отасиз оқ ювиб-оқ тараган, ўқитган,
умуман олганда, яхши ҳаёт кечир-
иши учун жонини ҳам аямаган онам
вилоятда, оёғи сингани учун келол-
маганди. Голиблик нашидаси бир
четда қолиб, кўнглимни баттар зул-
мат чулғади. Онам билан телефон
орқали гаплашар эканман, кўзимда-
ги ёш тўхтамас, баттар ичкардим,
каммага тилим ҳам айланмасди.

Тасаввур қилишнинг ўзи оғир...
Онам бизни ёлғиз ўзи тарбиялади,
бошқалардан кам бўлмай яшашимиз
учун тиришди, тинмади. Мен эса
ҳамиша онамга бо яхшиликларни
қандай жавоб қайтариш, уни қандай
хурсанд қилиш ҳақида ўйлардим.
Мақтабда ўқиб юрган кезларим
телевизор орқали "Ёш китобхон"
танловини кўрдим, шунда қалбимда
кун келиб, албатта, шу танловда қат-
нашман, машина ютиб, онамга туҳ-
фа этаман деган истак пайдо бўлди.
Бедор ўтган кечалар, тинимсиз
ҳаракат ва ўқиш мени зафар чўқки-
сига олиб чиқди. Бунда эса онам-
нинг матонати ва тарбиясининг ало-
ҳида қадри бор.

Бугун юртимизнинг китобхон, ис-
теъдодли, ишончли ёшлари сафидан
ман ва албатта, қатордан орда кол-
маслик учун бор кучим, иштиёқ ҳамда
меҳнатим билан ҳаракат қиламан.

Мафтуна ОЧИЛОВА,
Урганч шаҳридаги «Нурли ҳаёт»
МФЙ ёшлар етакчиси,
«Келажақ бунёдкори» медали
соҳиби.

ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБЛИК ҲИССИ

Кечагина талабалик остонасидан катта ҳаётга қадам
қўйган, таъбир жоиз бўлса, ижоду иштиёқ осмонидан
парвоз этишга шайланган куш сингари эдим. Бугун эса
қанотларим само узра кенг ёйилган, юрагимда орзулар
янада жўш урмоқда, манзилим эса — нурафшон истиқбол!

Иштиёқ

Астойдил қилинган меҳнатлар,
чекилган заҳматлар кун келиб
самара беради, албатта. Мен
ўтган йили Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият институти
Нукус филиалида драматургия
йўналишини тамомладим. Тала-
балик чоғи қалбимда ниш отган
ният ва мақсадлар мени Бердақ

номидаги Қорақалпоқ давлат
академик музыкали театри сари
етақлади. Ҳозиргача бу маскан-
да ишлаш баробарида бадий
ижод билан шуғулланиб, устоз
ва тенгдошларимдан сабоқлар
олиб, фаолият кўрсатиб келмоқ-
даман.

Меҳнатларим зое кетмади.
Бундан икки йил бурун Москвада
ўтказилган халқаро ижодкорлар
танловидан қатнашиб 1-ўринни

эгалладим.
Танловга
тақдим қил-
ган "Бир
хумча ол-
тин" номи-
да а с а р и м
ҳақамлар ва
кўплаб устоз-
лар томонидан
эътироф этилди,
бу эса менга янада ғайрат ба-
ғишлади.

Ёшликнинг ажойиб дамлари
бир-бирдан гўзал хотиралар,
муваффақиятлар, омадли лаҳзалар
билан бойиб бораётганини ўйла-
сам, юрагим ортиқча кетади. Бо-
иси ёшлигим бесамай ўтмаган
киши келажақда улкан ютуқларга

эришиши ҳақида жуда кўп эшит-
ганман.

Яқиндагина кўксимга тақилган
юксак мукофот ҳам шу юрт, шу
элининг умиди эканлигига ишонч-
нома деб биламан. Ушбу рағбат ва
у берган масъулият, давлатимиз
раҳбари қўлидан мукофот олишим
юксак марраларни забт этишга
даъват қилади. Бугун юрагимда
ўзгача туйғулур, орзулар сурури
яшамоқда, чунки мен бетақдор
юртимнинг бахтиёр ёшларидан-
ман.

Ислам ЭШНИЯЗОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат академик музыкали
театри саҳна устаси, «Мард
ўғлон» давлат мукофоти соҳиби.

ТАҚДИР ЭРКАЛАТГАН НАБИРАЛИРМДАН АЙЛАНАЙ

Болалигим уруш қийинчиликлари, муҳтожликлари даврида кечди. Ме-
нинг тенг-тўшларим Ўзбекистоннинг қайси нуқтаида умргузаронлик
қилаётган бўлишидан қатъи назар, сўзларимни тасдиқлайди.
Чунки бизнинг тақдиримиз бир, кечмишимиз ягона.

Шукрона

Бизнинг болалигимиз, ўқувчилик йил-
ларимиз пахтазору эгاتларга сочилиб кетган.
Сентябрь бошида одатдагидек янги ўқув
йили кўнгириги чалинар ва далага отларди-
дик. Ўқувчи қўлига китоб-дафтар эмас, этак
ҳамда қоп туқазилар, ачинарлиси, бу одат-
ий ҳолга айланган, ҳеч ким бунга эътироз
билдирмасди. Тонг отиши ва кун ботиши
табиий бўлганидек хали сўяги қотмаган
навқирон ўсмирларнинг ҳам пахта териши
одат тусига кирган эди. Биз шунга мажбур
эдик, масъул эдик, мажбур эдик.

Таълим муассасаларидаги тадбирлар-
да, уч авлод учрашувларида иштирок эт-
ганимда, гарчанд оғир ва азобли бўлма-
син, болалигимни, ўтган кунларни эсла-
йман, невараларим, эвараларимга ҳам ай-
тиб беришга ҳаракат қиламан. Тақдир эр-

калатган болаларимиз-
нинг бугунги кунини
кўриб ҳавас қиламан,
истиқболини ўйлаб яна
яшагим келади. Ахир бу
кунларнинг қадри, қиймати бошқача.

Давраларда сўз кетса, кўнглим бола-
лик ё ёшлик йиллари тўғрисида "Энг гул-
лаган ёшлик чоғимда..." дея гап бошла-
ди. Бундай ўйлаб қарасам, ҳаётимнинг энг
гуллаган чоғи биз кечириб турган айни
кунларга тўғри келаркан. Ниятим — ум-
римизнинг ушбу энг фараҳбахш кунлари
фарзандларимизнинг қувноқ кўлгиси ва
тўқис бахтидан гуллаб-яшнайдурсин!

Жўра АҲМЕДҚУЛОВ,
«Нуроний» жамағатини Нурафшон
шаҳар бўлинимаси раҳбари,
халқ депутатлари Нурафшон шаҳар
Кенгаши депутати.

ШУКРОНА АЙТАМАН УЙҒОНИБ ҲАР ТОНГ...

Ифтихор



Эй, Ватан!
Шукрона айтаман уйғониб ҳар тонг,
Кундан-кун гурқураб яшанганимга.
Етти иқлим узра доврқ таратиб,
Мағрур-мағрур қадам ташлаганимга.

Эй, Ватан!
Истиқлол бахш этган неъматларингни,
Қўлимда қаламим, қўйлайман ҳўшиб.

Ҳақон аҳли сени олқийлаётир,
Илдамлаб борарсан довонлар олиб.

Эй, Ватан!
Олам долдир бугун кўриб қудратинг,
Келажагинг шакисз буоқдир, илло.
Зарра тупрогинг ҳам тавоф этаман,
Жаннатмонанд ўлкам, сенга жон фидо!

Шербек ИСЛОМОВ
Ургут тумани

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 592 нусxada босилди,
ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг тақриб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.10 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази томонидан 114 та Куръони карим нусхаси асосида китоб-альбом тайёрланмоқда.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши